

**Мавзу: САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА,  
МУДОФАА ВА БОШКА МАҚСАДЛАРИГА  
МҮЛККАЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ХУКУКИЙ  
ХОЛАТИ**

**РЕЖА:**

- 1.Саноат ва транспорт,алока,мудофаа ва бошка мақсадларига мүлкжалангандар турасида тушунча ва уларнинг классификацияси.**
- 2.Саноат ва транспорт,алока,мудофаа ва бошка мақсадларига мүлкжалангандарнинг хукукий холатининг умумий хусусиятлари.**
- 3.Саноат ерларининг хукукий холати.**
- 4.Транспорт ерларининг хукукий холати.**
- 5.Алоқа ва мудофа мақсадларига мүлкжалангандарнинг хукукий холати.**

Мудофаа эҳтиежлари учун мўлжалланган ерларнинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида берилган. Ушбу қонунлар мажмуининг 69-моддасида кўрсатилишича, қуролли кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг харбий қисмлари, харбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташқилотларининг жойлашуви хам да доимий фаолияти учун берилган ерлар мудофаа эҳтиежлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади. Демак мудофаа ерларига давлатимиз қуролли кучлари фаолиятини амалга ошириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш, мудофаа объектларини жойлаштириш, полигонлар, ўқ отар жойлари, харбий шахарчалар, омборхона ва шунга ўхшашларни қуриш учун ажратиб берилган ер участкалари таалуқли бўлади.

**Мудофаа эхтиежлари учун берилган ерлар асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ихтиёрида бўлади. Бу тоифа ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, мамлакатимиз чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг харбий қисмлари, харбий ўкув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташқилотлари хисобланадилар.**

**Мудофаа эхтиежлари учун ер ажратиб беришни сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига Мудофаа вазирлиги, харбий округ қўмондонлиги, уларнинг мансабдор шахслари эгадирлар. Мудофаа эхтиежлари учун мўлжалланган ерларни хисоби шу ер участкаси ихтиёрида бўлган вазирлик ёки давлат қўмитаси томонидан олиб борилади. Харбий қисмларнинг ердан фойдаланиши давлат рўйхатидан ўтказилганда фақат ер участкаларининг микдори ва ташқи чегаралари кўрсатилади, ички ер тузилиши эса очиб берилиши мумкин эмас.**

Мудофаа әхтиежлари учун берилган ерлар харбий қисмлар томонидан факт белгиланган мақсадда, ажратиб бериш хўжжатида ўрнатилган тартибда фойдаланишлиги лозим, ердан фойдаланишнинг аниқ белгиланган мақсадини ўзгартириш мумкин эмас.

Харбий қисмлар қўшиннинг харбий тайёргарлиги ва харбий сирни сақлашга зиён етказмаган холда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи субъектларга полигон, аэродром ва бошқа обьектлар ерларидан пичан ўриш, қишлоқ хўжалик экинларини экиш, мол боқиш учун ер участкаларини фойдаланишга беришга хаклидирлар. Ер участкалари харбий қисмлар томонидан шу ер жойлашган хокимлик рухсати билан қишлоқ хўжалик субъектларига вактинча фойдаланиш учун берилади. Қишлоқ хўжалик ишларини олиб бориш муддати бундай холларда қишлоқ хўжалик субъектлари хам да харбий қисм кўмондонлиги ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Шунингдек харбий қисмлар ўзларига бериб қўйилган ер участкаларидан вактинчалик ёрдамчи хўжалик юритиш учун эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ажратиб берилади.

Мудофаа мақсадлари учун ажратиб берилган ер участкалари фуқароларга (шунингдек харбий хизматчиларга) хизмат учун чек ерлар, томорқа кўринишида икқиламчи фойдаланиш учун берилиши мумкин эмас.

Мудофаа ерлари ҳуқуқий холатининг яна бир ўзига хослиги шундаки, бу ер участкаларига нисбатан ёпик зоналар ўрнатилиши, яъни бу ерларга бегоналарнинг кириши умуман ман қилиниши мумкин. Ушбу тартиб тегишли харбий қўмандонлик томонидан белгиланади ва хамма учун бажарилиши мажбурий бўлади.

Мудофаа ерлари ҳуқуқий холатидаги баъзи ўзига хос хусусиятлар уруш шароитида келиб чиқиши мумкин. Уруш холати эълон қилинган жойларда давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг хамма вазифалари мудофаа соҳасида жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юқори харбий бошқаруви органлари ихтиёрига ўтади. Харбий қисмлар томонидан ер участкаларини эгаллаш харбий бошқарув органлари буйруғига биноан амалга оширилади.

**Самоат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга  
мүлжапланған ерлар хүкүмий ҳолатидаги ҳусусиятлар  
қуйнадағыларда жамоён бұлады:**

1. Ушбу мақсадлар учун мүлжапланған ерлар асосан нокишлөк хұжалық  
әхтиёжлари учун хизмат қылади ва шу сабаблы улар битта тоифага  
Бириктіриледи.
2. Ушбу мақсадлар учун мүлжапланған ерлар халқ, хұжалаги тапабларини  
қондиради ва шу сабаблы улар турли вазириліктерге Бириктіриледилар  
ва улар томонидан назорат қыпинадилар.
3. Ушбу тоифа ерларидан фойдаланувчи субъектлер сифатида асосан  
давлат тассаруфыда бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар хизмат  
қылади.
4. Ушбу тоифа ерлари атрофида маҳсус ҳимоя зоналари ўрнатилади.